Мутахассислар малакаси оширилмоқда

// 11.08.2025
https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/mutahassislar-malakasi-oshirilmoqda



Янги технологияларни ўзлаштириш, сифатли иш олиб боришга эришиш, хавфсизликни таъминлаш, меҳнат бозорида рақобатбардош бўлишда ходимлар малакасини ошириш катта аҳамиятга эга.



Корхонанинг ўқув марказида чилангар-таъмирловчиларнинг малакасини ошириш курси давом этмоқда. 26 нафар мутахассислар икки ҳафта давомида ўз билим ва кўникмаларини оширишади.

Малака ошириш нафақат ишлаб чиқариш мажмуалари ва цехлардаги иш унумдорлигини янада ошириш, балки ўқув курси якуни бўйича сертификатга эга бўладиган ходимларнинг моддий манфаатдорлигини янада яхшилашда ҳам муҳим ўрин тутади.

